



## THE APPEARANCE AND TYPES OF HADITH BOOKS

**Jaloliddin Kh. Khamrokulov**

*Researcher*

*International Islamic Academy of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

---

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Muhibbin hadiths, justice of narrators, "Sahih", in the Arab caliphate, in Mecca, Medina, "Usula-l-Hadith".

**Received:** 26.09.22

**Accepted:** 28.09.22

**Published:** 30.09.22

**Abstract:** Muhibbin, who left an indelible mark on the development of science and world civilization, collected in their works the hadiths of the Prophet (pbuh), the words of the Companions, and the fatwas of the followers. As a result of the activity of muhibbin, social sciences have progressed at an unprecedented level. As a result, hundreds of works in the field of hadith science appeared.

## ҲАДИС КИТОБЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТУРЛАРИ

**Жалолиддин X. Хамроқулов**

*тадқиқотчи*

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

*Ташкент, Ўзбекистон*

---

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** муҳаддислар ҳадисларни, ровийлар адолати, "Саҳиҳ", Араб халифалигидаги, Маккада, Мадинада, «Усула-л-ҳадис».

**Аннотация:** Илм-фан ва жаҳон тамаддуни ривожида ўчмас из қолдирган муҳаддислар ўз асарларида Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари, саҳобаларнинг сўзлари ва тобеинларнинг фатволарини ҳам жамлашган. Муҳаддисларнинг фаол бўлиши натижасида ижтимоий илмлар мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Натижада ҳадис илмига оид соҳаларда юзлаб асарлар пайдо бўлди.

## ВНЕШНИЙ ВИД И ВИДЫ СБОРНИКОВ ХАДИСОВ

**Джалолиддин X. Хамроқулов**

*Научный сотрудник*

*Международной исламской академии Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** мухаддисы, хадисы, справедливость передатчиков, «Сахих», в Арабском Халифате, в Мекке, Медине, «Усула-ль-хадис».

**Аннотация:** Мухаддисы, оставившие неизгладимый след в развитии науки и мировой цивилизации, собрали в своих трудах хадисы Пророка (с.а.с.), слова сподвижников, фетвы последователей. В результате деятельности мухаддисов общественные науки продвинулись на беспрецедентном уровне. В результате появились сотни работ в области хадисоведения.

### КИРИШ

Хадис илми тарихида сахобалар даври тугаб, тобеинлар даврининг ўрталарига, яъни ҳижрий юзинчи йилга келганда тобеинлар орасидаги ҳадис билимдонларининг фатҳ этилаётган жойларда вафот этиб кетиши, жойлардаги ҳалқларнинг ислом динига ўтиши ва шу билан бирга, ёлғон ҳадисларнинг қўпайиши кузатилди. Мана шу сабабли умавийлардан бўлган саккизинчи халифа Умар ибн Абдулазиз (681-720)нинг топшириғига биноан Араб халифалигидаги олимлар ҳадисларни тўплашга киришишган. Бу ишни расмий равища биринчи бўлиб Муҳаммад ибн Шихоб Зухрий (670-721) бошлаб берган. Шундан сўнг ҳадис китобларини ёзиш одат тусига кириб, бу ишни бошқа олимлар ҳам давом эттиришган. Маккада биринчи бўлиб Ибн Журайж (ваф. 767 й.) ва Ибн Исҳоқ (ваф. 768 й.), Мадинада Саид ибн Абу Уруба (ваф. 773 й.), Роби ибн Субайҳ (ваф. 776 й.) ва Имом Молик (ваф. 795 й.), Басрада Ҳаммод ибн Салама (ваф. 799 й.), Куфада Суфён Саврий (ваф. 777 й.), Шомда Абу Амр Авзойй (ваф. 773 й.), Хуросонда Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (ваф. 797 й.), Яманда Мамар (ваф. 771 й.), Райда Журайж ибн Абдулҳамид (ваф. 804 й.), Воситда Ҳушайм (ваф. 789 й.) ва бошқалар амалга оширишди [1]

Улар асосан ўzlари яшаб турган шаҳардаги мавжуд ҳадисларни жамлаш билан шуғулланишган. Шу тариқа, муҳаддислар ҳадисларни – Пайғамбар (с.а.в.)дан қолган меросни сахобаларнинг сўzlари ва тобеинларнинг фатволари билан бирга тўплай бошлишди. Замон ўтиши билан муҳаддислар фақат ривоятларни эмас, балки ривоят қилаётган шахс ҳақидаги маълумотларни ҳам назардан четда қолдиришмади. Натижада ҳадис илмида «жарҳ ва таъдил» илми (айблаш ваadolатли санаш, ровийлар адолати ва забти ҳақида баҳс юритиб, ишончли ёки ишончсизлиги ҳақида якуний хулюса чиқарувчи ровийга танқидий ёндашиб услуби) пайдо бўлди. Бу илм туфайли муҳаддислар ҳадис иснодларида учрайдиган ровийларнинг ишончлилик даражасини кўрсатиб ўтишди. Шунингдек, ҳадис илмига оид манбалар орасида ҳадис илмига оид атамаларни ўрганувчи соҳа «Усула-л-ҳадис» (мусталлаҳа-л-ҳадис ёки улум-л-ҳадис деб ҳам номланади) ҳам алоҳида ривожланди, ҳамда бу борада қўп китоблар ёзилди [2].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Жоҳилия араблари орасида ёзишни биладиган кишилар жуда кам бўлган ва улар жамиятда алоҳида қадрланиб келинган. Ислом келган пайтда Маккада бор-йўғи ўн етти киши ўқиш ва ёзишни биларди. Улар – Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Усмон ибн Аффон, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Толҳа, Язид ибн Абу Суфён, Муъовия ибн Абу Суфён, Абу Суфён ибн Ҳарб, Абу Ҳузайфа Утба ибн Рабиъа, Ҳотиб ибн Амр, Абу Салама ибн Абдуласад Махзумий, аёллардан эса Шифо бинти Абдуллоҳ Адавия, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг завжалари Ҳафса бинти Умар, Умму Гулсум бинти Уқба, Карима бинти Микдод эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) пайғамбар бўлганларидан кейин кишиларни саводли қилишга аҳамият бердилар. Саҳобаларни, айниқса улар орасидаги ёшларни саводини чиқаришига эътибор билан тарғиб қилганлар. Ёзишни биладиган саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган нарсаларини ёзишга ҳам ҳаракат қилишган ва ўзлари учун керакли деб билганларини саҳифаларга ёзиб боришган.

Араб тилида саҳифа сўзи қоғоз маъносини билдириб, айрим саҳобалар томонидан ҳадислар ёзилган варақларни тушунилади. Саҳифалар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хос котибларида бўлиб, ўша вақтда кўпчилик орасида тарқалмаган ҳамда умумий тадвин қилинмаган. Жобир ибн Абдуллоҳ, Саъд ибн Убода, Самрат ибн Жундуб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос каби саҳобаларнинг ҳадислар ёзилган саҳифалари мавжуд бўлган. Булардан ташқари, Расулуллоҳ (с.а.в.) турли жойлардаги кишиларга ёзган хатлари ҳам ҳадислардан иборат. Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида ҳадисларни қуидаги саҳобалар ёзиб боришган:

Абу Бакр Сиддик (ваф. 13/634 й.), Умар ибн Хаттоб (ваф. 23/644 й.), Усмон ибн Аффон (ваф. 35/655 й.), Али ибн Абу Толиб (ваф. 40/661 й.), Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (ваф. 63/683 й.), Абу Ҳурайра Давсий (ваф. 59/679 й.), Абдуллоҳ ибн Аббос (ваф. 68/687 й.), Жобир ибн Абдуллоҳ (ваф. 78/697 й.), Самура ибн Жундуб (ваф. 58/678 й.), Анас ибн Молик (ваф. 93/712 й.), Саъд ибн Убода Ансорий (ваф. 15/636 й.).

Умуман ҳадисни қайд этиб борган саҳобалар: Абу Айюб Ансорий (ваф. 50/670 й.), Абу Бакра Сақафий (ваф. 50/670 й.), Абу Рофе Расулуллоҳ (с.а.в.) мавлоси. Исмини Иброҳим дейилади, Абу Райхона Аздий, Абу Саид Худрий (ваф. 63/683 й.), Абу Мусо Ашъарий (ваф. 42/662 й.), Убай ибн Каъб (ваф. 30/651 й.), Усайд ибн Ҳузайр (ваф. 20/641 й.), Баро ибн Озиб (ваф. 71/690 й.), Жобир ибн Смуре (ваф. 76/695 й.), Жарир ибн Абдуллоҳ (ваф. 51/671 й.), Ҳасан ибн Али (ваф. 49/669 й.), Рофе ибн Хадиж Ансорий (ваф. 74/693 й.), Зайд ибн Арқам (ваф. 68/687 й.), Зайд ибн Собит (ваф. 45/665 й.), Салмон Форсий (ваф. 35/656 й.), Захҳок ибн Суфён Килобий (ваф. 11/632 й.), Захҳок ибн Қайс (ваф. 64/684 й.), Абдураҳмон ибн Оиз, Абдураҳмон ибн Авғ (ваф. 86/705 й.), Абдуллоҳ ибн Зубайр (ваф. 73/692 й.), Абдуллоҳ ибн

Умар (ваф. 73/692 й.), Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 32/653 й.), Амр ибн Ҳазм Ансорий (ваф. 51/671 й.), Мұхаммад ибн Маслама (ваф. 43/663 й.), Муоз ибн Жабал (ваф. 17/638 й.), Муовия ибн Абу Сүфён (ваф. 60/680 й.), Муғира ибн Шуъба (ваф. 50/670 й.), Нұймон ибн Башир (ваф. 64/684 й.), Восила ибн Асқа (ваф. 83/702 й.) [3].

Ҳадис ёзиб борган саҳобия аёлларга қуйидагилар киради: Асмо бинт Умайш (ваф. 40/660 й.), Сабиа Асламийя Оиша бинт Абу Бакр Сиддик (ваф. 58/678 й.), Фотима бинт Қайс (ваф. 50/670 й.), Фотима бинт Мұхаммад (ваф. 11/632 й.).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осснинг (ваф. 65/684 й.) «Ас-Саҳифа ас-садиқа» номли саҳифаси алоҳида аҳамият қасб этади. Бу Расулуллоҳ (с.а.в.) даврида ёзилған машҳур саҳифалардан бири ҳисобланади. Абдуллоҳ ибн Амр: “Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитған ҳар бир ҳадисни ёдлаш учун ёзиб юрар әдим. Қурайшликлар, қандай қилиб Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитған ҳадисни ёзасан, у киши инсон бўлса, хурсанд бўлганда ҳам, хафа бўлганда ҳам гапиради, деб мени ёзишдан қайтаришди. Ёзишни тўхтатдим ва бу ҳақда Расулуллоҳ (с.а.в.)га айтганимда у зот: “Ёзавер, нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, мендан ҳақиқатдан бошқа нарса чиқмайди”, – дедилар”, – деди [4] (Доримий ва Аҳмад ривояти).

Шунингдек, Абу Ҳурайра ҳам бу маълумотни таъкидлайди: “Мендан бошқа Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларини яхши биладиган киши йўқ, фақат Абдуллоҳ ибн Амр бундан мустасно. У қўли билан ёзиб, қалби билан ёдларди, мен қалбим билан ёдлаб, қўлим билан ёзмасдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга ёзишга изн берганлар”, – деган [5] (Аҳмад ривояти).

Абдуллоҳ: “Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида айтганларини ёзиб олар эдик” [6], – деган. Бу саҳобаларнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) айтган ҳадисларини ёзганларига далил бўлади. Мужоҳиддан ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Амр олдида саҳифани кўриб у ҳақда сўрадим. У: “Бу содиқадир (ҳаққоний саҳифа), унда Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитганим ҳадислар ёзилған бўлиб, орамизда ҳеч ким (бирорта ровий) йўқ”, – деган [7]. Абдуллоҳ ибн Амр: «Дунёда менга икки хислат рағбат уйғотади: Содиқа (саҳифа) ва Ваҳта. Содиқа Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ёзганларим. Ваҳта эса, садақа қилинган ер бўлиб, Амр ибн Осс ишлаган [8] (Доримий ривояти).

Олимлар бу саҳифанинг тарихий аҳамиятини Расулуллоҳ (с.а.в.) олдиларида, ўзларининг рухсатлари билан ёзилганини эътиборга олган ҳолда юксак баҳолашган. Ибн Асирининг қайд этишича, ушбу саҳифадан мингта ҳадис ўрин олган. Агар бу саҳифанинг бугунги кунгача етиб келмаганды унинг мавзуси етиб келган бўларди, чунки у Имом Аҳмаднинг “Муснад”ида сақланган. Шунингдек, олимлар Абдуллоҳга рухсат берилишининг сабаби, унинг сурёний ва араб тилини билишини, хатога йўл қўймаганини сабаб қилиб келтиришади. Кейинчалик Абдуллоҳнинг невараси Амр ибн Шуайб мазкур саҳифадан ҳадис ривоят қилгани манбаларда

қайд этилган. Тобеий Мужоҳид ушбу саҳифага иштиёқи баланд бўлгани ва Абдуллоҳ ибн Амр олдида кўрганини кўп тақрорлаган [9].

Ҳаммом ибн Мунаббих олим тобеинлардан бири бўлиб, у Абу Ҳурайра билан учрашган ва ундан кўп ҳадис ёзиб олган. Бу ҳадисларни жамлаб, уни “ас-Саҳифа ас-саҳиҳа” деб номлайди. Буни Имом Аҳмад “Муснад”ида тўлиқ ҳолда нақл қилган. Имом Бухорий ҳам ундан кўп ҳадислар келтирган. Бу саҳифа катта аҳамият касб этиб, илк ислом даврида ҳадислар ёзилганига ёрқин ҳужжат, далил бўла олади. Саййид Абдулмажиддинг айтишича, Доктор Муҳаммад Ҳамидуллоҳ Ҳайдарободий бу асарнинг икки нусхасини аниқлаб, бу асар ҳозиргача тўлиқ этиб келганини тасдиқлаган [10].

Жобир ибн Абдуллоҳ ўз замонасида Мадина муфтиси ва факиҳи бўлган. Унинг саҳифаси бир жуздан иборат. Жобир набавий масжидда талабалар учун ҳалқа ташкил қилиб, кўплаб катта тобеинлар ундан ҳадис ёзиб олишган [11]. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Жобирнинг бу саҳифаси тобеинлар орасида тарқалиб, ундан ёзиб олишган.

Олимларнинг қайд этишича, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг бир қанча саҳифалари мавжуд. Имом Заҳабийнинг айтишича, қариб кўзи кўрмайдиган бўлиб қолганда, тобеинлар ўша саҳифалардан ўқиб бериб туришган. У вафот этгандан кейин ўғли Али отасининг мавлоси Курайбдан ҳадислар керак бўлганда саҳифани сўраб олиб нусха кўчириб қайтариб берган.

Муҳаддис ва фақиҳлар Амр ибн Ҳазм Ансорийнинг машҳур саҳифасига қаттиқ эҳтиром кўрсатиб, ҳатто уни саҳифа эмас, китоб деб номлашган. Акром Зиё Умарийнинг айтишича, бу саҳифадан тўрт мазҳаб имомлари ҳам нусха кўчириб фойдаланишган [12].

Анас ибн Моликнинг ҳам ёзиб юрган саҳифаси бўлган. Чунки у ўн ёшидан бошлаб Расулуллоҳ (с.а.в.)га хизмат қилган ва ўз қўли билан ҳадисларни ёзиб юрганига шубҳа йўқ. Барча шогирдлари қатори фарзандлари – Мусо, Назр ва Абдуллоҳдан ҳам ёзишни талаб қилган. Унда саҳифа бўлганини шогирди Ҳубайра ибн Абдураҳмон шундай келтиради: “Агар Анас ибн Моликдан кўп ҳадис сўралса, халта олиб чиқар ва бу Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ёзиб олган ҳадисларим, деб жавоб берарди” [13], – деган. Анас ибн Молик ҳар қачон талабалари олдига ҳадисни ёздириш учун чиққанда одатига кўра, “Бу китоблар шундай китобларки, унда Набий (с.а.в.)дан эшитганларим бор. Бу китобларнинг барчасини сизга дарс қилишингиз ва унга диққат-эътибор кўрсатишингиз учун бераман” [14], – дер эди.

Исломдан олдин ҳам ёзишни билган Саъд ибн Убоданинг (ваф. 15/636 й.) ўз саҳифаси бўлган. Олимларнинг айтиши бўйича саҳифани оиласи ўз бисотида сақлаб юрган.

Булардан ташқари, Ибн Ҳажарнинг “Рисола”, Ибн Саъднинг “Табақот”ида, ғарб олими И.Голдсиернинг айтишича, Самура ибн Жундубнинг (ваф. 60/680 й.) ҳам «Саҳифа»си бўлган. Буни ўғлига қолдирган бўлиб, уни Ҳасан Басрий ҳам кўрган. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг

ўғлига қолдирган ёзувлари, Муоз ибн Жабалнинг Яманга Расулуллоҳ (с.а.в.) топширикларига биноан кетаётганда ўзи билан олган ҳадислар ёзилган китоби бўлган.

Шунингдек, баъзи олимлар томонидан тасдиқланган фикрларга кўра, бошқа саҳобаларда ҳам ҳадислар ёзилган саҳифалар бўлган. Улардан, Набит ибн Шарит Абу Салама Ашжай Күфийнинг саҳифалари бўлган, буни Акром Зиё Умарий “Бухус фи тариха-с-сунна” асарида келтиради. Абдуллоҳ ибн Абу Авфонинг (ваф. 80/996 й.) саҳифаси ҳақда имом Бухорий маълумот берган. Абу Мусо Ашъарий, Саъд ибн Убода, Каъб ибн Амр ибн Убод Абу Юср Суламий (ваф. 55/675 й.), Муҳаммад ибн Маслама, Абу Рофе каби саҳобаларнинг саҳифалари бўлган [15].

IV/X асрдан кейинги даврларда ҳадис илмига оид турли услугуб ва мавзуларда ёзилган китобларнинг кўпайиб кетиши натижасида муҳаддислар уларни мавзуларга, ёзилиш услуби, соҳаси ва бошқа томонларига эътиборан гуруҳларга ажратиб алоҳида ўрганишни бошлишди. Масалан, “Саҳих” номи билан ёзилган ҳадис тўпламларини алоҳида ўрганиб, бу ном билан асар ёзган олимларни тадқиқ қилишди. Бироқ аввалги муҳаддисларнинг асарларида ҳадис тўпламларини қиёсий ўрганишга жуда кам эътибор берилган, уларда қисқа маълумотлар билан чекланилган. Кейинги даврларга келиб муҳаддислар бу соҳани ривожлантиришди.

Мана шундай олимлардан бири Абу Ула Муҳаммад Абдураҳмон ибн Абдураҳим Муборакфурий (1283-1353/1866-1934) “Тухфа-л-аҳвазий би шарҳ жоме ат-Термизий» асарининг “Муқаддима” қисмида комплекс тарзда ҳадис тўпламларини қиёсий ўрганишга эътибор қаратади. Бу китоб Байрутда “Дора-л-кутуба-л-илмия” нашриётида 1990-йили нашр қилинган. Мазкур асарда ҳадис тўпламлари турларини алоҳида келтириб, ҳар бир турнинг ўзига хос жиҳатларини келтириб ўша турга кирувчи ҳадис тўпламларини муаллифлари билан қайд этиб ўтади. Муборакфурий ўз асарида ҳадис тўпламлари турини 22 тага ажратади.

Аллома муҳаддис Муҳаммад ибн Жаъфар Каттоний (ваф. 1345/1927 й.) “ар-Рисола ал-муstatrafa ли баён машҳур кутуба-с-сунна ал-мушаррафа” асарида ҳадис тўпламлари ҳақида қимматли маълумотларни бериб ўтади. Бу асар шу соҳада ёзилган манбаларнинг машхури ва кўп фойдаланилгани дейиш мумкин. Унда 1400 га яқин ҳадис тўпламларини 50 дан ортиқ турларга ажратган ҳолда ҳар бирига таъриф бериб, муаллифларини келтириб ўтган. Шунингдек, муайян турни гуруҳларга ажратишни ҳам унумтайди. Бу асарга Шайх Абу Яъло Байзовий Мағрибий “Зайл” ёзиб, уни “ат-Таълиқота-л-мустазрафа ала ар-рисола ал-муstatrafa” деб номлайди ва у 2011 йили Байрутда “Дора-л-кутуба-л-илмия» босмахонасида нашр этилган. Замонавий олимлардан Акром Зиё Умарийнинг “Бухус фи тариха-с-сунна ал-мушарифа” асари ҳам диққатга сазовордир.

Кейинги олим Доктор Муҳаммад ибн Матар Заҳроний (1950-2006) ҳам бу борада тадқиқот олиб бориб, “Тадвина-с-сунна ан-набавия» асарида ҳадис тўпламларини қиёсий

ўрганади. Бироқ бу тадқиқот ҳадис илмининг ривожланиш босқичларига эътибор қаратгани сабабли Муборакфурининг асаридан фарқ қиласди. Шундай бўлсада, унинг баъзи жиҳатлари Муборакфурининг асаридан қулай, ўқувчига осон услубда ёзилган.

Олим Сайид Абдулмажид Ғоврий “ал-Важиз фи таъриф кутуба-л-ҳадис» асарини 29 та ҳадис тўпламлари турини ўрганишга бағишлаб, 2009-йили нашр эттирган. Шунингдек, Олим Сайид Абдулмажид Ғоврийнинг “Мавсуа улума-л-ҳадис ва фунуниҳ” асарида ҳам ҳадис тўпламлари ҳақида маълумотлар учрайди.

## ХУЛОСА

Юқоридаги олимлардан ташқари Ҳожи Халифа “Кашфа-з-зунун ан асома-л-кутуб ва-л-фунун” асарида ҳадис илмига оид асарларга катта ўрин ажратади. Бироқ бу асар факат ҳадис илмига тегишли эмас. Ғарб олимлари К.Брокелманнинг «Гесчичте дер арабисчен Литтератур» ва Ф.Сезгиннинг «Гесчичте дес арабисчен Скрифттумс» асарларида ҳам ҳадис тўпламларига алоҳида боб ажратилган [16].

## ФОЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Мухаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий. Ал-Муҳаддис ал-фосил байнаравий вал-ваъий. – Байрут. Дор ал-фикр, 1984. – Б. 122.
2. Арбаъу расоил фи ўулум ал-ҳадис. – Байрут. Мактаба ал-матбуот ал-исламийя, 1990. – Б. 169.
3. Абу Мухаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий. Ал-Муҳаддис ал-фосил байнаравий вал-ваъий. – Байрут. Дор ал-фикр, 1984. – Б. 239.
4. Абу Исо Термизий. Саҳихи Термизий / Абдуғани Абдулло таржимаси. – Т.: Фофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – Б. 57.
5. Абу Исо Термизий. Ал-Жомеъ ас-сунан / Ҳамидулло Аминов таржимаси. – Т.: Мовароуннахр, 1993. – Б. 86.
6. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мусталаҳул ҳадис. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 61.
7. Абу Исо Термизий. Саҳихи Термизий / Абдуғани Абдулло таржимаси. – Т.: Фофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – Б. 35.
8. Олтин силсила: Саҳихул Бухорий. – Т.1. – Тошкент. Ҳилол нашр, 2018. – Б. 232.
9. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи маърифати уламои Самарқанд” асари – Самарқанд ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба: т.ф.н...дис. автореф. – Тошкент. Тошкент ислом университети, 2003. – Б. 12.
10. Уватов У. Донолардан сабоқлар. Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. 49.
11. Абу Мухаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий. Ал-Муҳаддис ал-фосил байнаравий вал-ваъий. – Байрут. Дор ал-фикр, 1984. – Б. 66.

12. Абу Мухаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий. Ал-Муҳаддис ал-фосил байнар-равий вал-ваъий. – Байрут. Дор ал-фикр, 1984. – Б. 66.
13. Абу Мухаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий. Ал-Муҳаддис ал-фосил байнар-равий вал-ваъий. – Байрут. Дор ал-фикр, 1984. – Б. 67-68.
14. Абу Мухаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий. Ал-Муҳаддис ал-фосил байнар-равий вал-ваъий. – Байрут. Дор ал-фикр, 1984. – Б. 69.
15. Абу Мухаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий. Ал-Муҳаддис ал-фосил байнар-равий вал-ваъий. – Байрут. Дор ал-фикр, 1984. – Б. 69.
16. Brockelmann C. Geschichte der Arabischen Litteratur/ Supplementbande I-III. – Leiden: 1937-1942.639 p.; Sezgin F. Geschichte des Arabischen Schriftums. – B.I. –Leiden: Brill, 1967. –415 p.; Ҳожи Ҳалифа Мустафо ибн Абдуллоҳ. Кашфуз зунун ан асмаил кутуб вал фунун. – Байрут: Дор ахё ат-тарос ал-арабий, 1941. – Ж 2. – Б. 565, 717.